

Битирувчиларга оқ йўл!

Жорий йилнинг 4 июль куни “Гидромелиоратив ишларни механизациялаш” факультетининг яна бир гуруҳ битирувчи-ёшларига, бакалавр даражали диплом топшириш маросими бўлиб ўтди. Унда институтнинг ўқув ишлари бўйича проректор Мирзаев Баҳодир Суюнович, Ёшлар билан ишлаш бўйича проректор Шавозов Қодиржон Очилович ва факультет деканлари ота-оналар ва битирувчи-ёшлар иштирок этишди. Институтнинг ўқув ишлари бўйича проректор Мирзаев Баҳодир Суюнович битирувчи-талабаларни табриклаб, тадбирни кириш сўзи билан очиб берди. Шундан сўнг факультет декани Норов Бегмат Холматович талабаларни табриклаб, институт ректорининг диплом бериш тўғрисидаги буйруғини ўқиб эшиттирди ва талабаларга диплом тақдим этилди. 199 нафар битирувчи-талабалардан 8 нафари имтиёзли дипломга эга бўлишди. Институт раҳбарияти битирувчиларни, уларнинг ота-оналарини самимий табриклашди ва дипломларни ўз эгаларига тантанали ҳфдбильф топширишди. Битирувчилар ва уларнинг ота-оналари сўзга чиқиб институт раҳбариятига миннатдорчилик билдиришди.



Институт Матбуот котиби Раҳимбой Жуманиёзов